Ушбу сонда:
2 АТТЕСТАЦИЯДАГИ ҚОНУНБУЗИЛИШЛАР
3 «ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИ
4 Биз билган, билмаган тарих МИРЗО УЛУҒБЕК

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI / FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 5 май, чоршанба № 74 (1707)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

***Биз юртимизнинг хавфсизлиги ва тинчлигини таъминлаш, Ватан қудратини ошириш, маърифий дунё халқлари яшаётган фаровон ҳаёт даражасига эришиш учун бугун Ўзбекистонда давлатимиз раҳбари бошчилигида ўтказилаётган изчил сиёсатни қўллаб-қувватлаймиз, халқимизни бу йўлда янада жипслашишга, юртимизга қўл кўтарган разил кимсаларга кескин зарба бериш учун ҳар доим тайёр туришга чақирамиз.***

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ўзбекистон фуқароларига Мурожаатномасидан)

## ЭЛ-ЮРТ ОЛДИДАГИ ХИЗМАТЛАР ЭЪТИРОФИ ИФОДАСИ

**5 майда «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони ва «Олтин юлдуз» медали, «Мустақиллик», «Дўстлик» орденлари ҳамда «Жасорат», «Шуҳрат» медаллари таъсис этилганига 10 йил тўлди**




***«Биз кўҳна ва бетакрор тарихга эга бўлган, дунёни ҳайратга солган улуғ мутафаккирлар ва саркардаларнинг ворисларимиз ва буюк давлат қуришга бел боғлаган халқмиз». Миллий ғурур, халқпарварлик ва ватанпарварлик туйғулари билан суғорилган, фахр-ифтихорга тўла ушбу сўзларни Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлиснинг яқинда ўтган ўн тўртинчи сессияси минбаридан туриб айтди.***

Бундай эътироф бежиз эмас. Бу эътироф - тарих ва келажакни, аждодлар ва авлодларни, эл-юртни Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги аталмиш муштарак маслак, ягона мақсад йўлида бирлаштириб, чамбарчас боғлаб тургувчи эзгу даъватдир.

Зеро, бундан қарийб ўн уч йил муқаддам худди шундай юксак, ҳаётбахш туйғуларни қалби ва шуурига жо этиб, Юртбошимиз раҳбарлигида Истиқлол истиқболига ишонч-ла пешвоз чиққан халқимиз ўтган қисқа даврда қанчадан-қанча эзгу ва бунёдкорлик ишларини амалга оширди. Эндиликда дунё ҳамжамиятида ўз ўрни ва овозига, обрў ва эътиборига эга мамлакатимиз демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан дадил одимламоқда.

Мўлжалланган олижаноб мақсадларни рўёбга чиқариш, кенг қамровли ислоҳотларимиз ижобатини таъминлаш юртимиз фарзандларидан жасорат ва қаҳрамонлик талаб этиши табиий. Шу маънода халқ ва Ватан манфаатлари йўлида фидокорона хизмат қилаётган инсонлар меҳнатини муносиб баҳолаш ҳамда уларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш истиқлолимизнинг илк давриданоқ Президентимиз Ислом Каримов узоқни кўзлаб юритаётган давлат сиёсатининг бош мақсад ва вазифаларидан бири этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил 5-6 май кунлари бўлиб ўтган сессияси бу борада ўзининг салмоқли натижалари билан тарихий аҳамият касб этди. Унда «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини ва олий нишон - «Олтин Юлдуз» медалини, «Мустақиллик», «Дўстлик» орденларини, «Жасорат», «Шуҳрат» медалларини таъсис этиш тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди.

Ушбу қонун ҳужжатларида қайд этилганидек, «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони олий даражадаги мукофот бўлиб, мамлакатимиз фуқароларига, айрим ҳолларда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахсларга ҳам давлат ва халқ олдидаги қаҳрамонона жасорат кўрсатиш билан боғлиқ хизматлари учун берилади. «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан тақдирланган шахсга «Олтин Юлдуз» медали ва унвон берилганлиги тўғрисидаги тегишли ҳужжат тантанали ва кенг ошкоралик вазиятида топширилади.

Шуни таъкидлаш ўринлики, парламентнинг ўша сессиясида суверен ва мустақил Ўзбекистонни барпо этиш, халқпарвар, демократик, ҳуқуқий давлат яратиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш ишига қўшган улкан ҳиссаси ҳамда бу борада матонат ва жасорат кўрсатганлиги учун Президентимиз Ислом Каримовга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш тўғрисида Олий Кенгаш қарори қабул қилинди.

Ҳозирги кунгача ушбу олий давлат мукофоти билан элликдан ортиқ ватандошимиз тақдирланди. Улар орасида турли соҳа вакиллари бор.

Давлатимизнинг яна бир юксак мукофоти - «Мустақиллик» ордени билан мустақил ҳуқуқий давлат барпо этиш ва уни мустаҳкамлашга, республикада тинчлик ва тараққиётни таъминлашга улкан ҳисса қўшган фуқароларимиз тақдирланади.

Юртимизда юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Конституциямизда қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Шу жиҳатдан «Дўстлик» ордени билан мамлакатимиз фуқаролари, шунингдек, юртимиз фуқароси бўлмаган шахслар Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларнинг вакиллари ўртасида дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш ишида эришган катта ютуқлари, Ўзбекистон халқининг бошқа мамлакатлар халқлари билан дўстлик ва ҳамкорлигини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун тақдирланадилар.

Мазкур давлат мукофоти соҳиблари орасида нафақат фидойи ҳамюртларимиз, айни чоғда бошқа мамлакатлар фуқаролари, хорижий элчихона ва ваколатхоналар, халқаро ташкилотлар вакиллари, умуман, хориждаги бизга хайрихоҳ инсонлар ва чет эллик дўстларимиз бор экани қувонарлидир.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлиснинг яқинда ўтган сессиясида эл-юртимизнинг тинчлиги ва осойишталигини асраш йўлида мардлик ва фидойилик кўрсатган инсонларнинг Ватан олдидаги хизматлари ҳеч қачон унутилмаслигини таъкидлади.

Дарҳақиқат, мустақил Ўзбекистонда қарор топган анъана шундай - Ватан, халқ, Президент ҳеч қачон мард ва жасур фарзандларни унутмайди. Истиқлол йилларида ҳарбий хизматчилар, Миллий хавфсизлик хизмати ва ички ишлар органларининг ходимлари республикамизнинг миллий хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашда, ҳарбий бурчни ёки хизмат бурчини адо этиш вақтида кўрсатган мардлик ва жасоратлари учун «Жасорат» медали билан тақдирланиши йўлга қўйилгани ҳам шундан далолатдир. «Жасорат» медали билан, шунингдек, турли табиий офат, ёнғин ва бошқа фавқулодда ҳолатлар вақтида жамоат тартибини сақлашда, одамлар ҳаётини, давлат ва жамоат мулкини сақлаб қолишда жасорат кўрсатган кишилар ҳам мукофотланадилар.

Мамлакатимиз иқтисодиёти, фани ва маданиятини ривожлантириш, ёш авлодни ватанпарварлик ҳамда миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишида улкан ютуқларга эришган кишиларни тақдирлашда «Шуҳрат» медалининг ўрни ва аҳамияти каттадир.

Давлатимизнинг олий унвони, орден ва медаллари ватандошларимизнинг эл-юрт олдидаги улкан хизматлари эътирофининг ўзига хос ифодасидир. Зеро, адолат ва ҳақиқат ҳукмрон бўлган мамлакатдагина сидқидилдан қилинган, ҳалол меҳнат қадрланади, ошкора эътироф этилади.

**Ғулом АБДУРАҲИМ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

*Муносабат*

***Қабиҳ ниятли кимсаларнинг қўпорувчилик ҳаракатлари оқибатида бевақт кўз юмган одамлар ҳақида кўп ўйлайман. Қалби яшаш, яратиш ишқи билан ёнган, беғубор инсонлар, ёш болаларнинг айби нима? Шунда қалбимда терроризм - жоҳиллар қуроли, деган ўй қайта жонланади. Келиб-келиб шу жоҳиллар уялмай-нетмай ўзларини Ислом динининг ҳимоячилари, дея жар солишга уринишмоқда. Бундай даъво қилишга қандай ҳаддилари сиғаяпти, ахир? Қилмишлари беайб инсонлар қонини тўкиш бўлса, уларнинг мусулмонлиги қаёқда қолди? Ёвуз кучлар ғаразли мақсадлари йўлида аёллардан фойдаланишаётгани янада таажжубли. Бу — меҳнатсевар, болажон, фидойи ўзбек аёли шаънига тажовуз эмасми?!***

## ТЕРРОРИЗМ - ЖОҲИЛЛАР ҚУРОЛИ

Терроризм юртимизда қонли башарасини намоён қилгандан сўнг кўзимиз янада каттароқ очилди, мулла бўлдик, камчиликларимизни теранроқ англадик. Демак, мустақил Ўзбекистонимиз камолини, нурли келажагини кўролмайдиган ёвуз кучлар бор экан, бир сония бўлсин огоҳу ҳушёрликни қўлдан бермаслигимиз керак. Ғанимлар айёру маккор, улар пайт пойлайдилар. Ўзларини мусичадек беозор қилиб кўрсатишга уринаётган бу кимсалар вақт-бемаҳал асл башарасини намоён қилмоқда. Таажжуб, мутлақо зўравонлик ва тажовузкорлик ҳаракатларига зўр бераётганлар уларнинг қараш ва ғояларини қабул қилмаётганларга турли тамғаларни босишдан тап тортмаётирлар. Оддий бир деҳқон, меҳнаткаш сифатида юрагимни ўртаётган нарса яна шуки, хунрезликларнинг айрим ижрочилари ўзимиз билган, ўзимиз таниган, ёнимизда катта бўлган кишилардир. Улар шунчалар паст кетганлиги, юзимизни ерга қаратганлиги ҳақида ўйлаш нақадар оғир. Бунинг учун ҳар биримиз айбдормиз.

Ота-она бўлиш осонмас. Бола-чақанинг қорнини тўйдириш билангина бурчимни адо этдим, деб ўйлаш ўта нотўғридир. Фарзанд аввало иймонли, эътиқодли, ўз Ватанини, она заминини жон-дилдан севадиган баркамол инсон бўлиб вояга етмоғи лозим. Бу йўлда лоқайдликка, ўзибўларчиликка йўл қўйсак куйиб қолаверамиз.

Энг яхши фазилатларни мурғак қалбларга сингдиришнинг синалган йўли меҳнат билан ошно бўлишдир. Буни ўз тажрибамга суянган ҳолда айтаяпман. Чўл ҳудудида масъулияти чекланган жамият ташкил қилиб, иштиёқ ила ишга киришдим. Бизга ажратилган 10 гектар ерда ажойиб боғ яратдик. Олма, ўрик, беҳи, гилос каби дарахтлардан ташқари узум, тут, теракка ҳам эътиборни кучайтирдик. Вақт ўтиши билан ниҳоллар фермер хўжаликларига сотила бошланди. Дастлабки йили 1 миллион сўмлик, иккинчи йили 5 миллион сўмлик кўчат сотилди. Мана энди боғимиз ҳосилга кириб, бамисоли жаннатга айланди. Маржон-маржон тер тўкиб, кўтаринки руҳда ишлаётган ёшларга қараб кўнглим ўн чандон кўтарилади. Худойим бизни ёмон кўздан, ёвуз кучдан ўзи асрасин. Ўлкамиз гулларга буркансин. Бунинг учун эса ҳамкору ҳамжиҳат бўлиб яшашимиз, курашмоғимиз даркор.

**Э.ЭРНИЁЗОВ,**
**меҳнат фахрийси,**
**Хоразм вилояти**

*Эҳтиром*

## ХАЛҚ ХОТИРАСИ мангу яшайди

Матбуотда Вазирлар Маҳкамасининг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди. Бу ҳужжат биз – уруш ва меҳнат фахрийларини бағоят тўлқинлантирди. Ҳукуматимизнинг мазкур қарори давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида изчиллик билан амалга оширилаётган кўплаб хайрли ишларнинг мантиқий давомидир. Қолаверса, Юртбошимиз таъкидлаганидек: «Бу дунёда ҳамма нарса ўткинчидир, амал ҳам, молу дунё ҳам, шону шуҳрат ҳам ўтиб кетади. Фақат халқ, халқ хотираси доим яшайди». Шундай экан ҳар бир киши халқ хотирасида ўзидан яхши ному эзгу ишлар қолдириши керак. Уруш фахрийлари суронли ҳаёт йўллари, залворли меҳнатлари, мардлигу жасоратлари билан халқимиз қалб тўридан жой олган табаррук инсонлардир. Озодликнинг қадрини, Ватан, миллат манфаати йўлида фидойилик кўрсатишни ана шундай нуронийлардан ўрганишимиз лозим. Уруш кўрган бу инсонларнинг ҳаёт йўли ёшлар учун катта тарбия мактабидир.

Яқинда туманимиздаги бир гуруҳ уруш қатнашчилари қатори мени ҳам Амир Темур номидаги умумтаълим мактаби ўқувчилари учрашувга таклиф этишди. Уларга иккинчи жаҳон урушининг суронли йилларидаги хотиралардан сўзлаб бердик. Ёшларни Ватанни юракдан севишга, жасур ва довюрак бўлишга даъват этдик. Навбат менга етганда, 1942 йилнинг кеч кузида жанггоҳда содир бўлган бир воқеани сўзлаб бердим. Айниқса, разведкага чиқиб, қуролланган душман тўдасига рўпара келишим ҳақидаги ҳикояларим ўқувчиларда катта таассурот қолдирди. Улар мени саволга кўмиб ташлашди. Бир болакайнинг «Урушдан сизни омон олиб чиққан нарса нима?» деб берган саволи юрагимни титратиб юборди. Унга шундай жавоб қилдим: «Биз олис юртларда жанг қилсак-да қалбимизни Ватан – Ўзбекистон меҳри илитиб турди. Чунки юртимиз осойишталиги, тинчлиги, болаларимиз келажаги қўлимизга қурол тутқазган эди. Ортимизда миллатимиз, халқимиз манфаати турганлигини қалбдан ҳис қилардик. Ҳа, Ватан ишқи бизни офатлардан омон олиб чиқди...

Сўзим тугагач ўқувчиларни кузатдим. Уларнинг кўзларида учқун порларди. Шунда хаёлимдан қуролдош дўстларим, сафдошларим бирма-бир ўтишди. Болаларни бугунги дориломон кунлар учун жон олиб, жон берган боболарга муносиб ворис бўлишга даъват этдим. Эҳ, уруш ҳақидаги хотиралар оғир. Аммо улар қанчалик даҳшатли бўлмасин, бу офатни фарзандларимиз юракдан ҳис қилишлари учун уларга уруш инсоният учун ажал уруғини сочувчи офат эканлигини теран англатайлик. Шундагина ғараз ниятли, осойишталигимизга раҳна солишга уринаётган манфур кимсаларнинг пуч алдовларига асло учмайдилар.

Бугун 80 ёшнинг остонасида туриб, дунёга юз тутган Ватанимиз истиқболидан қувонаман. Биз – нуронийларга кўрсатилаётган эҳтиром кучимга-куч қўшмоқда. Биз қандай даврларни кўрмадик дейсиз. Урушдан кейинги йиллар... халқ юпун, жудолик ҳар бир хонадонга ўз таъсирини ўтказган. Халқимизнинг иродаси билан барча қийинчиликларни енгиб ўтганмиз. Бизнинг Қангли, Қорағўйли, Қашқарбулоқ каби ўнлаб қишлоқларимиз фақат Истиқлол туфайли янги қиёфа касб этди. Деҳқон хонадонлари тоза ичимлик суви, газ билан тўла таъминланди. Фермерлик ривожланди. Тадбиркорликка кенг йўл очилди. Ёшларимизни кўриб, мен ҳам уйда тинч ўтиролмайман. Ҳар йили ўз маблағим ҳисобидан ҳудудимиздаги 25-мактабнинг битта синф хонасини таъмирлаб бераман, саховат ёрдамини уюштираман. Мустақиллик биздек нуронийларга янги ҳаёт, куч-қувват бағишлади. Ҳукуматимиз меҳрибонлигига жавобан ўзимизни ҳамиша сафда деб билмоқдамиз.

**Баҳром бобо НУРУЛЛАЕВ,**
**уруш ва меҳнат фахрийси,**
**Ғаллаорол тумани**

*Орамиздаги одамлар*

## ҚАДРДОН ДАЛАЛАР ЧОРЛАЙДИ

***1977 йили мактабни битирган Алижон отаси Акром ака меҳнат қилаётган «Ғаллақудуқ» хўжалиги далаларига йўл олди. Бу пайтда тенгдошлари турли ўқув юртларига ўқишга кириш илинжида юрар, гоҳо-гоҳо Алижонни ҳам ўз сафларига чорлашар эди. «Мен билан ишларинг бўлмасин, бир куни келиб, олий маълумот ҳам оларман. Ҳозирча отамга ёрдам беришим керак» деган эди ўшанда. Шу-шу бўлдию у тажрибали деҳқонлар, сувчилар қаторидан муқим ўрин олди.***

- Хизматдан қайтгач, яна қадрдон дала ўз бағрига чорлади, - дея ҳикоя қилади қаҳрамонимиз, - Бир куни марҳум отам «Ўғлим, энди сен ҳам олий маълумот олмасанг бўлмайди», дедилар. Хуллас, Тошкент политехника олийгоҳининг техника муҳандислари бўлимини сиртдан битириб олдим. Мутахассислигим бўйича қишлоқ хўжалиги техникалари муҳандисиман. Лекин, деҳқончилик ишлари мен учун ҳамма нарсадан улуғ. Деҳқончилик менга ота касб. Ўшанда ўн, ўн беш гектар майдонда плёнка остида тарвуз етиштирганман. Даромад ҳам шунга яраша бўлган эди.

Алижон Саидаҳмедовнинг ҳаётида 1991 йили туб ўзгариш рўй берди. Алижон ота изидан боришга қатъий аҳд қилиб, ишга киришди. Туманда фермерлик ҳаракати бошлангач, у ҳам ариза билан мурожаат қилди. Туман раҳбарлари отасининг шу хўжаликда қилган кўп йиллик меҳнатларини, ўзининг ишчанлигини эътиборга олиб, унга 15 гектар ер ажратиб беришди. Фермер хўжалиги ташкил этган кундан бошаб енг шимариб ишга киришган Алижон ерни маҳаллий ўғит билан тўйинтирди. Экин турларини белгилаб олди. Елиб-югуриб қилган саъй-ҳаракатлари кузга бориб, ўз маҳсулини берди. Ўша йилиёқ ишлаб топган маблағининг бир қисмига «ЗИЛ-130» русумли юк машинаси сотиб олди.

- Биринчи навбатда фермернинг ўз техникаси бўлиши керак, - дейди у суҳбатини давом эттириб. Чунки вақтида шудгорлаш, экиб, йиғиштириб олиш, тайёр маҳсулотни ташиш ишларида у муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, фермер хўжалигида оилавий ишлаш ҳам хирмонга барака киритади. Яна бир муҳим масала - ернинг умрини бекор ўтказмаслик. Ана шундагина кўзланган мақсадингга эришасан.

«Акром» фермер хўжалиги далаларида асосан Саидахмедовлар оиласи меҳнат қилади. Ўтган йили бошоқли дон етиштириш борасида тадбиркор илғорлар сафида бўлди. Давлат буюртмасини биринчилардан бўлиб бажарди. Ҳар гектар ердан 45 центнердан ҳосил йиғиб олди. Озгина ерга пиёз экиб, 60 тонна ҳосил олди. Яхшигина пулга сотилди. Турмуш ўртоғи Шаҳлохон, фарзандлари Шахноза, Аббос, Мадина ҳамда Саидаҳрорларгача дала бошида бўлди. Бир тан бўлиб қилган меҳнатлари эвазига трактор сотиб олди.

Фермернинг эндиги мақсади ўзи учун мос уруғларни етиштириш. Бошқача қилиб айтганда, ўз фаолиятини уруғлик етиштирувчи фермер хўжалигига айлантириш. Тадбиркор меҳр ва мурувват йили муносабати билан қариялар уйига икки юз минг сўмлик ёрдам бермоқчи. Болалар спортини ривожлантириш жамғармасига ҳам баҳоли қудрат ёрдам беришни режалаштириб қўйган. Фермер шу кунларда баҳорнинг саховатли кунларидан унумли фойдаланиб, 12 гектар майдондаги буғдойни ота ўгитлари асосида парвариш қилмоқда.

Бундан ташқари, у ўн миллион сўмлик лойиҳа асосида қурилаётган чойхона қурилишини тезроқ ниҳоясига етказиш мақсади билан елиб-югурмоқда.

**Отабек ҒАФФОРОВ,**
**Оҳангарон тумани**

## ҚИШЛОҚҚА ЭНГ ЯХШИ СОВҒА

***Оқолтин туманидаги Сардоба қишлоғида 500 рақамга мўлжалланган автоматик телефон станция фойдаланишга топширилди.***

- Яқин вақт ичида рақамлар сони икки баравар кўпаяди, -дейди «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Сирдарётелеком» бўлими директори Амир Ғозиев. - Абонентларимиз нафақат республикамиздаги истаган аҳоли пунктларига, балки дунёнинг бошқа мамлакатларига ҳам бемалол қўнғироқ қила олади.

2010 йилгача вилоятнинг барча шаҳар ва туман марказлари замонавий телефон алоқаси билан таъминланади. Сирдарёда бу борада катта ишлар амалга оширилди. Кейинги тўрт йил давомида Гулистон, Янгиер, Бахт, Ширин шаҳарлари, Боёвут, Ховос, Мирзаобод, Сирдарё ва Оқолтин туманларида рақамли АТСлар монтаж қилинди. Фақат учта қишлоқ бундай алоқа билан таъминланмаган холос. Вилоятдаги 21 қишлоқ АТСига рақамларни автоматик тарзда аниқлаш мосламалари ўрнатилди. Бу мосламалар қишлоқ аҳолисига туман алоқачилари ёрдамисиз шаҳарлараро ва халқаро тармоққа чиқиш имконини беради.

**(ЎзА)**

## РЕСПУБЛИКА КАСАБА УЮШМАЛАРИДА

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси тасарруфидаги олий ўқув юртлари касаба уюшма қўмиталари раисларининг бир ҳафталик малака ошириш ўқуви бўлиб ўтди. Ўқув давомида тингловчилар «Занги ота» мақбарасини зиёрат қилдилар. Тошкент шаҳридаги Мирзо Улуғбек номидаги университет касаба уюшмаси ташкилоти иш тажрибаси билан танишишди. Ангрен, Янгийўл шаҳарлари, Ўрта Чирчиқ туман тармоқ касаба уюшма қўмиталарида «Балли касабақўм» кўрик-танловининг биринчи босқичи ўтказилди. Қатнашчиларга касаба уюшма Устави, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури», тегишли қонунлар бўйича саволлар берилиб, уларнинг билим савиялари ўрганилди. Ғолибларга совғалар берилди. Шу билан бирга улар иккинчи босқичда қатнашиш учун йўлланма олдилар.

* * *

Когон шаҳрида бошланғич касаба уюшма қўмиталари раисларининг «Тармоқ касаба уюшма қўмиталарининг асосий йўналишлари» мавзусидаги семинари бўлиб ўтди. Шаҳар бўйича 2-таянч мактаб касаба уюшма ташкилотининг ижобий ишлари оммалаштирилди. Галаосиё туманидаги қишлоқ хўжалиги коллежида ўқувчилар ўртасида кураш бўйича очиқ турнир ўтказилди. Унда 56 нафар ёш курашчи ўқувчилар қатнашдилар. Барча туман, шаҳарларда «Йил ўқитувчиси» кўрик-танлови ўтказилди.

Бухоро туманида вилоят ҳокимининг тадбири асосида «Мактаблар куни» бўлиб ўтди. Туман касаба уюшма қўмитаси томонидан туман мактабларига спорт анжомлари тортиқ этилди.

* * *

Қашқадарё вилоят тармоқ касаба уюшма қўмитаси Қарши тумани бошланғич касаба уюшма ташкилотларида бўлиб уларга амалий ёрдам кўрсатди. Нишон, Чироқчи, Яккабоғ туман қўмиталари томонидан таянч бошланғич ташкилотлари раисларининг ўқув семинари ўтказилди. Шаҳрисабз туманидаги Й.Охунбобоев номли болалар оромгоҳининг таъмирлаш ишлари бошланди.

* * *

Тахтакўпир, Нукус, Қанликўл туманлари бўйича вакилликлар ташаббуси билан «Хотира ва Қадрлаш куни»га бағишлаб педагоглар ўртасида спорт мусобақалари ўтказилди. Ғолибларга вакилликларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Нукус шаҳрида Самарқандда ўтказиладиган «Универсиада» спорт мусобақалари командаларини саралаш тадбирлари ўтказилди. Қорақалпоғистон Давлат университети билан Нукус Давлат педагогика институти футбол жамоалари куч синашдилар. Натижада Нукус Давлат педагогика институти спортчилари ғолиб келиб «Универсиада»га бориш учун йўлланмани қўлга киритдилар.

# «ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИ

## Саволларингизга Ўзбекистон Алоқа ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси ҳуқуқшуноси Абдувоҳид Аҳмедов жавоб беради



**САВОЛ: Бир неча касбда ёки ўриндошлик асосида ишлаётган ходимларга иш (меҳнат) ҳақи қандай тўланади?**

**Н.СУЛТОНОВ, Сурхондарё вилояти**

**ЖАВОБ**: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 160-моддасига асосан, бир неча касбда ёки лавозимда ишлаганлик, хизмат кўрсатиш доираси кенгайганлиги, бажариладиган ишлар ҳажми ортганлиги, ўзининг асосий иши билан бир қаторда ишда вақтинча бўлмаган ходимларнинг вазифасини бажарганлик учун, шунингдек, ўриндошлик асосида иш бажарилганда, яъни ходим ўзининг асосий ишини бажаришдан ташқари бўш вақтида, меҳнат шартномаси асосида бошқа ҳақ тўланадиган ишни бажарган ҳолатларда, ходимларга меҳнат ҳақи иш берувчи билан ходим ўртасидаги келишувга биноан ҳамда амалда бажарилган ишга мутаносиб равишда (миқдорда) тўланади. Ушбу қоидадан келиб чиқиб таъкидлаш зарурки, айрим ҳолларда, масалан, вақтинча ишда бўлмаган ходимнинг вазифаларини тўлиқ бажарганлик учун ходимга асосий ойлик иш ҳақининг муайян фоизлари миқдорида устама ҳақ тўланиши, айтайлик, 30 ёки 40 фоиз миқдорида чегараланиб қўйилиши унчалик тўғри эмас.

**САВОЛ: Қандай ҳолатларда ходимнинг меҳнат ҳақидан ушлаб қолиш мумкин?**

**Т.ҚЎЧҚОРОВ, Шовот тумани**

**ЖАВОБ:** Меҳнат Кодексининг 164-моддасида ходимларнинг меҳнат ҳақидан ушлаб қолишнинг асослари белгилаб қўйилган бўлиб, умумий қоидага кўра, ходимнинг ёзма розилиги билан, бундай розилик бўлмаган тақдирда эса, суднинг қарорига асосан меҳнат ҳақидан ушлаб қолиниши мумкинлиги кўзда тутилган.

Қуйидаги ҳолларда ходимнинг розилигидан қатъий-назар меҳнат ҳақидан ушлаб қолинади:

1) Ўзбекистон Республикасида белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш учун;

2) Суднинг қарорлари ва бошқа ижро ҳужжатларини ижро этиш учун;

3) Иш ҳақи ҳисобига берилган авансни, хизмат сафарига бориши ёки хўжалик эҳтиёжларига ишлатиш учун берилган бўлиб, сарф қилинмай қолган маблағни қайтариш учун ва ҳоказо;

4) Йиллик меҳнат таътилига чиққанда, аванс тариқасида тўланган таътил пулининг амалда ишланмаган даврга тегишли бўлган қисмини ушлаб қолиши учун;

5) ходим томонидан иш берувчига етказилган зарарни қоплаш учун, агар етказилган зарар миқдори ходимнинг ўртача иш ҳақидан ортиқ бўлмаса;

6) меҳнат интизомини бузган ходимга нисбатан интизомий жазо тариқасида қўлланган жаримани ундириш учун.

Иш ҳақини ҳар гал тўлаш вақтида ушлаб қолинадиган ҳақнинг умумий миқдори ходимга тегишли бўлган меҳнат ҳақининг эллик фоиздан ошиб кетмаслиги лозим.

**САВОЛ: Меҳнат шартномаси бекор қилинган ходимнинг ўз вақтида олиб кетилмаган меҳнат дафтарчаси қаерда сақланади?**

**Қ.РУСТАМОВ, Жиззах вилояти**

**ЖАВОБ**: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 108-моддасига мувофиқ, меҳнат шартномаси бекор қилинган куни, яъни ходимнинг охирги иш куни, иш берувчи ходимга унинг меҳнат дафтарчасини ва меҳнат шартномаси бекор қилингани ҳақидаги буйруқнинг нусхасини бериши шарт.

«Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида»ги Йўриқнома (ушбу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 29 январ куни 402-рақам билан рўйхатга олинган)нинг 3.3-бандида қайд этилишича, меҳнат шартномаси бекор қилинган куни ходим ишда бўлмаган тақдирда, иш берувчи ўша куниёқ унга почта орқали меҳнат дафтарчасини олиб кетиш тўғрисида огоҳлантирувчи хабарнома жўнатади (бошқа хатлар инобатга олинмайди).

Меҳнат дафтарчасини ходимнинг яшаш жойига почта орқали жўнатиш фақат унинг розилиги билан амалга оширилади.

Вафот этган ходимнинг меҳнат дафтарчаси унинг яқин қариндошларига тилхат ёздириб олиш йўли билан топширилади ёки уларнинг талабига кўра почта орқали жўнатилади.

Ишдан бўшаган ходимлар меҳнат дафтарчаларини ўз вақтида олмаган тақдирда, шу ерда ишлаётган бошқа ходимларнинг меҳнат дафтарчаларидан алоҳида қилиниб, корхонанинг ходимлар бўлимида икки йил давомида сақланади. Ушбу муддат давомида ҳам олинмаган меҳнат дафтарчалари иш берувчи архивида эллик йил сақланади. (Йўриқнома 5.2.-банди.)

## Саволингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради

**САВОЛ: Меҳнат шартномасини ходимлар сони (штати) қисқартирилиши муносабати билан бекор қилганда ходимга қонунчиликда қандай кафолат ва имтиёзлар назарда тутилган ҳамда бу хусусда касаба уюшма қўмитаси нималарга эътибор бериши зарур?**

**И.ЖАЙСАНОВ, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах вилояти филиали касаба уюшма қўмитаси раиси**

**ЖАВОБ:** Ходимлар сони (штати) қисқартирилганда биринчи навбатда штатлар жадвалига ўзгартириш киритилиши ва лавозим қисқартирилиши тўғрисида буйруқ чиқарилиши зарур.

Амалдаги қонунга асосан технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келадиган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги, шу асосда меҳнат шартномаси тўхталишини келтириб чиқаради ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 100-модда 2-қисмининг 1-банди асосида ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинади.

Меҳнат шартномаси бекор қилинишидан 2 ой олдин иш берувчи Меҳнат Кодексининг 102-моддасига асосан ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинаётганлиги тўғрисида ёзма равишда (имзо чектириб) огоҳлантириши зарур.

Иш берувчининг огоҳлантириш хатида белгиланган иш ҳақи сақланган ҳолда ҳафтада бир кун ходимнинг иш қидириши учун берилиши ҳақида ёзилиши керак. Ҳафтанинг қайси кунини бериш иш берувчи томонидан белгиланади.

Меҳнат Кодексининг 102-моддасига асосан иш берувчи ва ходимнинг ўзаро келишувига биноан икки ойлик огоҳлантириш муддати пуллик компенсация билан алмаштирилиши ҳам мумкин. Шунинг учун иш берувчи ўз хатида ходимга огоҳлантириш муддати кунлари учун пуллик компенсация бериши мумкинлигини кўрсатиб ўтиши лозим.

Штатлар қисқаришидаги Қонуннинг асосий талабларидан яна бири бу агар бўш лавозимлар мавжуд бўлса, ходимни иш билан таъминлашдир. Шу сабабли муассасада бўш лавозим бўла туриб ходимни кўрсатилган асосда вазифасидан озод қилиш ноқонуний ҳисобланади ва ходимнинг аризасига мувофиқ меҳнат низоларини кўрувчи органлар томонидан у ўз вазифасига тикланади ва ходимнинг розилиги билан бўш бўлган лавозимга ишга ўтказилади.

Икки ойлик огоҳлантириш муддати давомида ходимга муассасадаги Ички меҳнат тартиби қоидалари татбиқ қилинади. Шу сабабли ходим ўз меҳнат вазифасини қўпол равишда бузса, унга Меҳнат Кодексининг 181-моддасида кўрсатилган интизомий жазо чоралари ҳам қўлланиши мумкин.

Иш берувчи ходимни огоҳлантириш билан бир вақтда камида икки ой олдин ходимнинг касби, мутахассислиги, малакаси ва меҳнат ҳақи миқдорини кўрсатган ҳолда, бўлажак ишдан озод қилиш тўғрисидаги маълумотларни маҳаллий меҳнат органига ёзма равишда хабар қилиши зарур.



Меҳнат Кодексининг 103-моддасига асосан бир лавозимда бир нечта ходим ишлаётган бўлса, ходимлар сони қисқариши муносабати билан меҳнат шартномасини бекор қилишда ишда қолдириш учун имтиёзли ҳуқуқ биринчи навбатда малакаси ва меҳнат унумдорлиги юқори бўлган ходимга берилади.

Агар ходимларнинг малакаси ва меҳнат унумдорлиги бир хил бўлса, Меҳнат Кодексининг 103-моддасида кўрсатилган ҳолларда ходимларга ишда қолиш афзалликлари берилади. Муассасанинг жамоа шартномасида ходимларни ишда қолдиришда афзаллик бериладиган Қонунда кўрсатилганидан бошқа ҳолатлар ҳам назарда тутилиши мумкин.

Огоҳлантириш муддати тугаганидан сўнг ходимни ишда қолдиришдан ҳеч қандай афзалликлар бўлмаса, уни бошқа иш билан таъминлашнинг имконияти бўлмаса, унда ходим билан тузилган меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан Меҳнат Кодексининг 100-моддаси, II-қисми, I-банди билан бекор қилинади. Ушбу кўрсатилган асосда меҳнат шартномасини бекор қилишдан олдин албатта Меҳнат Кодексининг 101-моддаси талаблари бажарилмоғи зарур, яъни жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида касаба уюшма қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органининг олдиндан розилиги олиниши назарда тутилган бўлса, бундай розиликни олмасдан туриб, меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишига йўл қўйилмайди.

Сиз тиббиёт ходими бўлганлигингиз сабабли қуйидагиларни эслатиб ўтиш зарур деб биламиз: Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ўртасида тузилган келишувда иш берувчи ходим билан тузилган меҳнат шартномасини ўз ташаббуси билан бекор қилганда фақат мазкур тиббиёт муассасаси касаба уюшма қўмитаси билан олдиндан келишилгандан сўнг амалга оширишни мумкинлиги кўрсатиб ўтилган. Шу сабабли ҳар бир соғлиқни сақлаш муассасаси ўз жамоа шартномасига буни бир банд қилиб киритишлари зарур. Жамоа шартномасига киритилмаган бўлса ҳам жамоа келишувининг бу талаби Республикадаги Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги барча муассаса ва корхоналарга тегишлидир.

Ходимлар сони (штати) қисқариши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда Қонунчилигимизда қўшимча кафолатлар назарда тутилган: Меҳнат Кодексининг 67- ва 109-моддаларига мувофиқ ходимга ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ишдан бўшатиш нафақаси тўланади. Ходим ишдан бўшагандан сўнг иккинчи ой давомида ҳам ишга жойлаша олмаса, унинг аризасига биноан (ходим меҳнат дафтарчасини ва паспортини кўрсатиши керак) иккинчи ой учун ҳам нафақа тўланади.

Ходим ишдан бўшатилганидан сўнг ўн кун муддат ичида маҳаллий меҳнат органидан рўйхатдан ўтиб қўйиши керак. Агар ходим учинчи ойда ҳам ишга жойлаша олмаса, маҳаллий меҳнат органидан маълумотнома олиб келгандан кейингина унга учинчи ой учун нафақа тўланади.

Икки ойлик огоҳлантириш муддати пуллик компенсация билан алмаштирилиб Меҳнат Кодексининг 100-модда, II-қисми, I-банди билан ходим вазифасидан озод қилинганда ҳам Қонунда белгиланган ишидан бўшатиш нафақаси, ишдан бўшатилганидан кейинги иккинчи ва учинчи ойлар учун моддий мадад олиш ҳуқуқи унда сақланиб қолади.

Агар иш берувчи томонидан ходим икки ой олдин огоҳлантирилмасдан ёки огоҳлантириш муддати тугамасдан олдин меҳнат шартномаси бекор қилинса, ходим иш жойига қайта тикланмайди, аммо огоҳлантириш муддатининг барча кунлари учун ходимга ҳақ тўланади ва огоҳлантириш муддати тугаган кундан меҳнат шартномаси бекор қилинади. Бу ҳақда меҳнат дафтарчасига ёзилади.

## Саволларингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси Бош мутахассиси Йўлдош Аҳмедов жавоб беради



***САВОЛ: Умумий ўрта таълим мактабларининг лаборатория мудирлигига, умуман фан лабораторияларига нечта штат (ўрин) берилади?***

**Х.НАЗАРОВ, Қарши тумани**

**ЖАВОБ:** Лаборантлик лавозими мактаблардаги физика ёки химия кабинетлари учун қуйидагича ташкил этилади: тўлиқсиз умумтаълим ўрта мактабларида 9-18 та синф комплектлари бўлганда - 0,5 лавозим бирлиги, 19 та ва ундан кўп синф комплектлар бўлганда 1 лавозим бирлиги; умумий ўрта таълим ўқув юртларида 9-18 та синф комплектлари бўлганда - 1 та лавозим, 19-28 - 1,5 лавозим, 29-39 синф комплектлари бўлганда 2-лавозим, 40 ва ундан кўпроқ бўлганда - 2,5 лаборант лавозими берилиши назарда тутилган.

***САВОЛ: Менинг ёшлар етакчиси ҳамда синфдан ва мактабдан ташқари ишларни ташкиллаштирувчи лавозимларда ишлаган даврим имтиёзли пенсияга чиқишимда ҳисобга олинмаяти, шу тўғрими?***

**Д.МАДЕНОВ, Шуманай тумани**

**ЖАВОБ:** Педагог ходимларни пенсия билан таъминлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни билан белгиланади. Ушбу Қонуннинг 12-моддаси «к» бандига асосан ва Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-қарори билан тасдиқланган ёшга доир имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, лавозимлар ва кўрсаткичлар 3-рўйхатининг VII қисмига асосан умумтаълим муассасаларининг педагог ходимлари умумий белгиланган пенсия ёшидан 5 йил олдин, яъни аёллар 50 ёшдан, эркаклар 55 ёшдан камида 25 йиллик махсус иш стажига эга бўлган тақдирдагина имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқига эгадирлар. Синфдан ва мактабдан ташқари ишларни ташкиллаштирувчи лавозимлар 3-рўйхатида кўрсатилган бўлиб, унда ёшлар етакчиси лавозими имтиёзли пенсияга чиқувчилар орасида назарда тутилмаган.



Оққўрғон туман ички ишлар бўлимининг паспорт бўлинмаси томонидан қонун ижросини таъминлаш бўйича қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Туманда жорий йилда 583 нафар 16 ёшга тўлган йигит-қизларга паспортлар тантанали суратда топширилди.Шунингдек, ходимлар маҳаллалар,меҳнат жамоаларида тушунтириш ишлари олиб боришмоқда.

**Суратда: паспорт бўлинмаси бошлиғи, милиция майори Ойхўжа Норхўжаев фуқарога ҳужжат топшириш пайтида.**

**Ғ.ХИДИРОВ олган сурат.**

## Саволингизга Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси бош ҳуқуқшуноси Орифжон Ғайназаров жавоб беради



***САВОЛ: 1. Меҳнат шартномаси бекор қилинган ходим ишда бўлмаган тақдирда унинг меҳнат дафтарчаси кимга берилади? Меҳнат дафтарчасини қўлига олмаган ходим шикоят қилиши ўринлими?***

***2. Ходим билан тузилган меҳнат шартномаси қонуний асосларга кўра иш берувчининг ташаббуси билан, дейлик, ходимнинг меҳнат интизомини қўпол равишда бузганлиги сабабли бекор қилинган тақдирда унинг меҳнат дафтарчаси эгасига қандай қайтарилиши керак?***

***Саволни бу тарзда беришимизнинг боиси шундаки, ходим бошқа давлатга ишлаш учун кетган. Бироқ на бўшаш учун ариза берган, на меҳнат таътилига чиққан. Шу сабабли умуман ишга келмаяпти.***

**Ф. ПИРНИЯЗОВА, Нукус шаҳри**

**ЖАВОБ:** Мазкур масалалар Меҳнат Кодекси ҳамда «Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида»ги Йўриқнома асосида тартибга солинади. Жумладан, Меҳнат Кодексининг 108-моддасида меҳнат дафтарчасини ходимга бериш муддати кўрсатилган. Унга кўра меҳнат шартномаси бекор қилинган куни иш берувчи ходимга унинг меҳнат дафтарчасини ва меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ҳақидаги буйруқнинг нусхасини бериши шарт. Меҳнат дафтарчасини ходимга қайтариш иш берувчининг айби билан кечиктирилиши уни меҳнат қилиш имкониятидан ғайриқонуний равишда маҳрум этиш деб ҳисобланади. Бундай ҳолатда иш берувчи ходим ололмай қолган иш ҳақини унга тўлаши талаб этилади (МКнинг 188-моддаси).

Шу ўринда ходимнинг ололмай қолган иш ҳақи қандай тартибда ҳисобланади, деган савол бўлиши табиий. «Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида»ги Йўриқноманинг III бўлимига биноан иш берувчининг айби билан меҳнат дафтарчасини беришни кечиктирган барча вақт учун ходимнинг ўртача иш ҳақи миқдорида ҳақ тўланади.

Қонунга кўра иш берувчи меҳнат шартномаси бекор қилинган ходимга меҳнат дафтарчасини ўз вақтида бериш чорасини кўриши лозим. Ходимни масалан, моддий бойликларни вақтида қайтариб топширмаганлигини сабаб қилиб меҳнат дафтарчасини кечиктирилишига ҳам йўл қўйилмайди.

Йўриқномага кўра меҳнат шартномаси бекор қилинган ходим ишда бўлмаган тақдирда, иш берувчи ўша куниёқ унга почта орқали меҳнат дафтарчасини олиб кетиши тўғрисида огоҳлантирувчи хабарнома жўнатади. Шуни эътиборга олиш ўринлики, бошқа хатлар масалан, бу ҳақдаги хатни бирор шахс орқали бериб юбориш инобатга олинмайди. Меҳнат дафтарчасини ходимнинг яшаш жойига почта орқали жўнатишга эса фақат унинг розилиги билан йўл қўйилади. Ушбу тартибга риоя этмаслик меҳнат дафтарчасини беришни иш берувчининг айби билан кечиктириш деб ҳисобланишига асос бўлади.

Ходим ишдан бўшаганда меҳнат дафтарчасини олганлиги тўғрисида Т-2 шаклидаги шахсий варақасига ва ходимлар бўлимидаги ҳисоб китобига имзо қўяди. Меҳнат дафтарчасини олмаган ходим иш берувчига ёхуд бошқа тегишли органларга мурожаат қилишга ҳақли.

2. Сизнинг хатингизда келтирилган саволларга тўлиқ жавоб бериш учун қатор ҳолатларга аниқлик киритишимиз лозим бўлади.

Биринчидан, Ички меҳнат тартиби қоидалари амалдаги қонун талабларига мувофиқ қабул қилинган бўлиши лозим. Яъни, ташкилотнинг касаба уюшма қўмитаси билан келишилган ҳолда иш берувчи (ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахс) томонидан тасдиқланган бўлиши лозим. Ушбу тартибга кўра, қоидалар айнан касаба уюшма қўмитаси билан келишилган бўлиши талаб этилади. Қоидаларнинг касаба уюшмасининг умумий йиғилишида маъқулланган бўлиши ёки касаба уюшма қўмитаси раиси билан якка ҳолда келишилгани эса уларни юридик кучга эга эмас деб ҳисобланишига асос бўлади.

Иккинчидан, иш берувчи ходимни мазкур Қоидалар билан олдиндан таништирган бўлиши лозим. Шуни ҳам айтиш ўринлики, ходимнинг ишдан рухсатсиз кетиб қолишини меҳнат вазифасини қўпол равишда бузиш, деб топилиши уни ишдан кетиб қолгани туфайли келиб чиққан оқибатларга қараб ҳал этилади.

Учинчидан, ходимнинг меҳнат шартномасини интизомий жазо сифатида маъмурият ташаббуси билан бекор қилиниши амалдаги тартиблар асосида бўлиши лозим. Бундай тартиблардан бирига кўра, ходимни ишдан бўшатишдан олдин ундан ёзма тарзда тушунтириш хати талаб қилинишидир. Демак, ишга чиқмаган ходим ишга келгунига қадар (ходимдан у қанча вақтда қайтиб келишидан қатъи назар ундан тушунтириш хати ёздириб олинмагунича) уни маъмурият ташаббуси билан ишдан бўшатилишига қонун йўл қўймайди.

***Ўн уч йилга яқин давр мобайнида халқимиз катта сифат ўзгаришларни бошдан кечирди.Ўзига ва келажагига бўлган ишончи бекиёс ошди.Бугунги кунда ҳар бир фуқаро мустақиллик моҳиятини чуқур англаб яшамоқда. Мустақиллигимиз шарофати билан қанчадан-қанча одам ўзининг кичик ёки катта корхонасига, ишлаб чиқариш муассасаларига, фирмасига, фермасига, умуман, дахлсиз мол-мулкларига эга бўлди. Лекин, шулар билан бир қаторда ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган бир қанча қатламлар ҳам мавжудки, улар давлатимиз олиб бораётган юксак инсонпарварлик сиёсати туфайли моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилиб келинмоқда. Айниқса, 2004 йилнинг Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилиниши бу борадаги тадбирларни янада жонлантириб юборди.***

*2004 йил - Меҳр ва мурувват йили*

# БИР-БИРИМИЗГА ТАЛПИНИБ ЯШАЙЛИК

Қорақалпоғистондаги «Элликқалъа Олтин толаси» ҳиссадорлик жамиятида бўлганимизда корхона ҳомийлигида ана шундай эзгу ишлар амалга оширилаётганининг гувоҳи бўлдик. Жамоа маъмурияти томонидан ишчи-хизматчиларга ва шу тумандаги аҳолига кўрсатилаётган бу борадаги ғамхўрликлар ҳақида гапиришдан олдин уларнинг шакли, ҳажми ва ишлаб чиқариш қувватлари ҳамда суръати меъёрларига тўхталиб ўтсак:

Мазкур корхона ҳиссадорлик жамияти шаклида бўлиб акцияларнинг 7 фоизи ишчи-хизматчиларга, 49 фоизи (эркин нархларда) инвесторларга, 51 фоизи эса давлатга тегишлидир. Жамоада 421 нафар ходим фаолият кўрсатади. Улардан 80 га яқини хотин-қизлардир. Ўтган йили режадаги 4030 тонна ўрнига 4070 тонна пахта қайта ишланган. Ишлаб чиқарилган пахтанинг 90 фоизи хорижга сотилиб, ундан эллик миллион сўмдан зиёд тушумга эришилган. Шундан 36 миллион 143 минг сўми соф даромад эди.

– Имкониятларимиздан келиб чиқиб, ишчи-хизматчиларга берилаётган ойлик маошларни босқичма-босқич ошириб бориш ва уни ўз вақтида тўлашни таъминлаш масаласини биз, айниқса, каттиқ назоратга олганмиз, - дейди корхона раҳбари Б.Абдуллаев. – Ходимларимиз олаётган ойлик маоши ҳозир 40 минг сўмдан ортади. Бундан ташқари, уларга ҳар чоракда, байрамларда мукофотлар бериб борилмоқда. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, бурноғи йили ҳар бир акцияга 1612 сўм тўланган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич 3000 сўмдан ошди, яъни икки баробарга кўпайди. 7200 акция жамоамиз меҳнаткашларига сотилган бўлиб, улар дивидентларини ўз вақтида олиб туришади...

Жамият раҳбарининг самимий фикр-мулоҳазаларини эшитгач, шу ердаги меҳнаткашларга жамоа шартномаси орқали яратилган имтиёз ва кафолатлар билан қизиқдик. 2004 йилга мўлжалланган жамоа шартномасида ҳар бир ходимнинг меҳнат стажи, оилавий шароити, соғлиғи инобатга олинган ҳолда 2 дан 5 кунгача ойлик маош сақланадиган қўшимча таътиллар, йилига бир марта энг кам ойлик иш ҳақининг 2 дан 22 баробаригача моддий ёрдам, икки ёшгача фарзанди бор аёлларга иш кунини бир соатга қисқартириш, вақти-вақти билан ходимларни корхона ҳисобидан тиббий кўрикдан ўтказиш, заруратга кўра меҳнаткашларга соғлигини тиклаш учун шароит яратиб бериш ва маблағ ажратиш каби кенг қамровли масалалар амалиётга жорий этилган. Шунингдек, ҳужжатда ишчи-хизматчиларнинг иш фаолиятида содир бўлиши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, уларга қулай меҳнат шароитлари яратиб бериш, бахтсиз ҳодиса рўй берган тақдирда эса ходимлар вазифаси ҳар тарафлама ўрганилиб, суғурталаб қўйилган.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ходимнинг ўзи ёки фарзандининг уйланиши ёки турмушга чиқиши, оиласи аъзоларининг вафоти ёки оғир касалга чалиниши муносабати билан ҳам қўшимча таътилдан ташқари меҳнат стажини инобатга олган ҳолда энг кам ойлик иш ҳақининг 2 дан 22 баробаригача қўшимча ёрдам бериш ҳам жамоа шартномаси шартларидан бири ҳисобланади. Бундан ташқари «Меҳр ва мурувват йили» муносабати билан мазкур корхонада ишлаб пенсияга ёки ногиронлик нафақасига чиқиб кетган ходимлар ҳам шу ердаги бошқа ходимлар сингари ҳар байрамларда энг кам иш ҳақининг икки баробари миқдорида моддий рағбатлантириб келинмоқда. Корхона ўз ички имкониятларидан келиб чиқиб тумандаги бошқа кам таъминланган, ёлғиз ногиронлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлганларга ҳам ёрдам қўлини чўзиб келмоқда. «Наврўз» байрами муносабати билан ўтказилган тадбирларга ажратилган 779 минг сўмдан 180 минг сўми тумандаги 30 нафар кам таъминланган, ногирон ва ёлғиз кексаларга сарфланди.

Жамиятнинг алоҳида эътиборга молик бўлган яна бир эзгу ишларидан бири, бу «Ақчакўл» соғломлаштириш масканининг тўлалигича ана шу корхона оталиғига олинганлигидир. Шифо маскани 25 ўринга мўлжалланган бўлиб, бу ерда асосан шу заводга қарашли ходимлар ўз саломатликларини тиклайдилар. Мазкур масканда хизмат кўрсатувчи барча тиббиёт ходимларининг ойлик маошлари, тиббий анжомлари ва бошқа керакли ускуналар, шунингдек, бинонинг жиҳозлари учун сарфланадиган харажатлар корхона маблағи ҳисобидан қопланади. Бундан ташқари, тумандаги «Қуёшой» болалар боғчаси, 22-сонли ўрта мактаб ҳам жамият томонидан оталиққа олинган бўлиб, биноларни таъмирлашда, болаларни озиқ-овқат ва ўқув қуроллари билан таъминлашда ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Келажак авлоднинг соғлиғи, баркамол бўлиб етишишида катта аҳамиятга эга бўлган А.Навоий номли маҳалладаги футбол, волейбол, баскетбол каби майдончаларни ўз ичига олган Теннис корти қурилишига ҳам жамият томонидан 1 миллион сўм миқдорида маблағ ажратилди.

– Кўриб турганингиздек, корхонамизнинг иқтисодий имкониятлари, ишчи-хизматчиларимизнинг меҳнат ва яшаш шароитлари, шукроналар бўлсинким, яхши, - деди касаба уюшма қўмитаси раиси Собир Мирсолиев, – бунинг сабаби эса ишлаб топилган ҳар бир ортиқча маблағ ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоясига сарфланаётганидан бўлса керак, деб ҳисоблайман. Бир муҳтож инсоннинг хожатини чиқарганингизда, етим-есир, ногирон-кексанинг озми-кўпми ёрдамингиз билан дардига шерик бўлганингизда уларнинг юзларидан нур ёғилиб, атроф яшнаб кетгандай бўлади. Меҳр – бу илоҳий сеҳр. Зеро, меҳр-оқибат, саховат бор жойда ҳар доим барака бўлади, фаровонлик ҳукм суради.

**Дилором АЛЛАҚУЛОВА, «Ишонч» мухбири**

